O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI SHAHRIXON TUMANI HOKIMINING QARORI

Shahrixon tuman, Shahrixon Shox ko‘cha 4-uy

2022 - yil 8 - yanvar 3-1-28-Q/22 Shahrixon tuman hokimligi

Шахрихон тумани ҳудудидаги умумфойдаланувда бўлган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги “Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, Шаҳрихон тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситалари тирбандликлари юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек Шахрихон туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил 14 декабрдаги 01-1/360-сон хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6,25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шахрихон туман йўлллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТЙФУК) нинг 2021 йил 14 декабрдаги 01-1/360-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. 4Р-139 “Шахрихон ш – Қува ш” автомобиль йўли бўйида жойлашган Шахрихон тумани Ички ишлар бўлими биноси рўпарасидаги йўлнинг ўнг ва чап томонига **(**ПК 7+350 км**) 3.27 “Тўхташ тақиқланган”** ҳамда тумандаги буюм бозори кўчасига **3.28 “Тўхтаб туриш тақиқланган”** деб номланувчи йўл белгилари ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Хусанов)га юқоридаги йўл белгиларини кўрсатилган жойларга ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Тожибоев)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситалари эгалари томонидан мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш топширилсин.

5. Шахрихон туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Ғозиев) ушбу қарорни “Шахрихон” газетаси ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Абдурахмонов зиммасига юклатилсин.

v.v.b tuman hokimi **А.М.Сарибоев**

Шаҳрихон туман ҳокимининг
2022 йил 8 январдаги
3-1-28-Q/22-сон қарорига
1-илова

Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича
Ч Е К Л И С Т

Шахрихон тумани ҳудудидаги умумфойдаланувда бўлган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Йўналишлар	Мезонлар (коррупциявий омиллар)	Жавоблар				Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси
Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий 9омиллар	Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши	бор	-	йўқ	+	
	Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги	бор	-	йўқ	+	
Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Дискрецион ваколатларнинг кенглиги	бор	-	йўқ	+	
	Аниқ белгиланмаган ваколатлар	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органи томонидан унинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши	бор	-	йўқ	+	
	Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Кечиктириб тартибга солиш	бор	-	йўқ	+	
	Манфаатлар тўқнашуви	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларининг мавжудлиги	бор	-	йўқ	+	
	Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши	бор	-	йўқ	+	
	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда қолдириш	бор	-	йўқ	+	
	Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар	бор	-	йўқ	+	

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз белгиланиши	бор	-	йўқ	+	
	Вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги	бор	-	йўқ	+	
	Санкцияларнинг номутаносиблиги	бор	-	йўқ	+	
	Чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги	бор	-	йўқ	+	
Назорат билан боғлиқ коррупциявий омиллар	Шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги	бор	-	йўқ	+	
	Шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар	бор	-	йўқ	+	
	Давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги	бор	-	йўқ	+	